

РЎЗНОМА  
1930 ЙИЛ  
12 МАЙДАН  
ЧИКА  
БОШЛАГАН



Қонунчиллик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

# Юстиц

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

● № 112 (2376)

● 1991 ЙИЛ 17 СЕНТЯБРЬ

● СЕШАНБА

● БАҲОСИ 10 ТИИИН

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИННИНГ ФАВҚУЛОДДА ҚУРУЛТОЙИ

14 сентябрь куни Тошкент шаҳрида Узбекистон Коммунистик партиясининг фавқулодда XXIII қурултойи бўлиб ўтди.

Узбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби, Узбекистон Жумҳурияти Президенти Ислом Каримов «Ижтимоий-сийёй вазият ва республика партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида» маъруза қилид.

Мазкур маъруза юзасидан музонаралар бўлиб ўтди.

Сўнгра делегатлар Узбекистон Компартияси фавқулодда XXIII қурултойи баёноти ва қарорини қабул қилинади. Бу ҳуқуқатларда Узбекистон Коммунистик партияси КПСС таркибидан, унинг барча ташкилий тузилмаларидан чиқсанлиги ва марказий органлар-

дан ўз вакилларини қафириб олиши таъкидланган. Юз берган вазиятда Узбекистон Компартияси ҳозирги ҳолида иш олиб боролмайди ва сифат жиҳатдан янги сиёсий ташкилотни — Узбекистон Халқ Демократик партияси тузиш, унинг Коммунистик партиясининг ҳуқуқий вориси, деб зълон қилиш зарур деб ҳисобланди.

Қабул қилинган баёнот ва қарорга мувофиқ янги партия таъсис қурултойини қафириб юзасидан ташкилот комитети, Ҳаракат дастури, Низомини тайёрлаш ва ташкилий тузилмаларини ишлаб чиқиши комиссияси тузилди. Ташкилот комитетига жойларда мувакқат комитетлар тузиб, барча ташкилий ва тушунтириш ишларини шу комитетлар орқали олиб бориш, Ҳаракат дастури ва Низом матбуотда зъ-

лон қилиниб, кенг муҳокама этилгандан сўнг партия аъзоларини қайтадан рўйхатга олиш, таъсис ыигилишларини, туман, шаҳар ва вилоят конференцияларини қафириб масалаларини ҳал қилиш топширилди.

Қабул қилинган ҳуқуқатларда янги партия таъсис қурултойида ташкилий жиҳатдан расмийлаштирилиб, ҳуқуқий ворисликка доир барча масалалар ҳал этилгунинг қадар ҳозир ишлаб турган барча партия тузилмалари сақланиб қолиши лозимлиги таъкидланади.

Қурултода Узбекистон Жумҳуриятининг Президенти И. А. Каримов якунловчи нутқ сўзлади.

Узбекистон Коммунистик партиясининг фавқулодда XXIII қурултойи шу билан ўз ишини тугаллади.

## НИҶОБ ЕЧИБ ТАШЛАНДИ

УТГАН йилнинг 15 ноябрь куни эди. Уйбекаси Л. Розинова қизи Ольга билан чақлашиб ўтиради. Иккovidan бошқа ҳеч ким ўйк.

Ногоҳ қўнғироқ чалинди. Эшикка ўрнатилган кичик кўзгудан қарашса, оstonада милиционер.

— Сизларга чақираву қозози бор, эшикни очинг, илтимос, — деди у мулоиймина.

Афсуски, у ёлгиз эмас экан. Ортидан яна уч киши кириб келди, энг даҳшатлиси, улар юзларини ниҷоб билан яшириб олишган, кимлигини билиб бўлмасди.

«Милиционер» аёлга пичоқ ўқталди.

— Хўжайнингиз видеосалонда мудир бўлиб ишлайди. Қани йигиб қўйганларини «милиционера» топшириш-чи!

Ниҷобли кишилар эса лом-мим демай Л. Розинованинг кўлларини сочиқ билан чандиб борашибди. Дивандан қалт-қалт титраб ўтирган Ольгани эса одеял билан чирмаб ўрашди. Ана энди у қанча баҳриб-чақирыса ҳам, овозини ҳеч ким эшийтмайди.

Уйбекаси ҳам ногаҳоний даҳшатдан қотиб қолган, қўрқувнинг зўридан ҳатто ўзини билмай қолиш даражасига яқинлашганди.

Босқинчилар уйни тинтий бошлиши. 2 минг 500 сўм пул топиши. Японияда ишлаб чиқарилган «Джисис» белгили 6000 сўмлик видеомагнитофонни, ҳар бири 100 сўм турдиган 42 дона видеокассетани, 4 минг 200 сўмлик тилла занжирни, 500 сўмлик тилла узукни ва бошқа буюмларни олишиб. Ҳаммасини қўшиб ҳисоблаганда, 15 минг 783 сўмлик буюмларни қўлга киритишгач, хайр-маъзурни насия қилиб, жўнаб қолишиб.

Пастда— шундоқкина қароқчиллик юз берган уй ёнида уларни «ГАЗ-24» белгили 32-25 ТНБ рақамли такси кутиб туради.

— Хўш, энди қаёққа хайдай? — деб сўради хизматидан бир неча баробар кўп мукофот олган ҳайдовчи Алексей Белов йўлдан кўз узмай.

Орқада ўтирганилардан бири сўрилиб унга яқинлашиди:

— Кемага тушганинг жони бир, дейдилар. Сен ҳам бизга шериксан энди. Шунинг учун

ишончлироқ жой топ. Мана бу нарсаларни икки-уч кун ҳидини чиқармай яшириб туриш керак, — деди.

А. Белов анчадан бери таксида ишлайди. Ҳайдовчиларда эса ким кўп — таниш-билишлар. Шу боис рулни тўғри Ал Хоразмий даҳсига томон бурди.

Хайрият, ҳамма иш ҳамирдан қил суғурган-дек осон кўчди. Жания Бабашкина уйда экан. Белов ва унинг янги тутинган дўстлари шу ерда бир пиёладан чой ичиб, нафас ростлашиди.

Хўш, куппа-кундуз куни қароқчиллик қилишга журуъат этгаи кимсалар ким ўзи?

Уларнинг бири, яъни «милиционер» — Данил Зокиров. Аслида қорақалпогистонлик, ҳозирда эса Чилонзор даҳасида истиқомат қиласи.

Бу ишбилармон йигит бошқа ҳамтовоқларига қараганда ёш жиҳатдан ҳам, уддабуронлик жиҳатдан ҳам устунроқ, 1962 йилда туғилган. Қаердандир милиционер формасини топган ва режа амалга ошгач, куйдирив ташлаган.

Иккичи босқинчи Игор Плешаков — 1967 йилда Тошкентда туғилган, у ҳам Чилонзор даҳасида истиқомат киласи, муқаддам судланмаган.

Иззат Шералиев эса ўзбек. Ёши 24 да. У ҳам қамоққа олингунга қадар Чилонзор даҳасида яшаб келган.

Босқинчиликнинг тўртинчи иштирокчиси эса айни дамларда қидирудва юриди. Изқуварлар ишига ҳалақит бериб қўймаслик мақсадида унинг исм-шарифини ва қаерда туриб, қайси ташкилотда ишлашини ҳозирча сир тутамиз.

Яқинда Акмал Икромов туманинг ҳамиди ҳароқчилликни ҳам туманинг жинонини гурӯҳнинг қабиқ ҳароқчилликни атрофлича ўрганиб чиқди. Юқорида номлари келтирилган уч нафар талончи Узбекистон жумҳурияти жинонин мажмусининг 127-моддаси 2-қисмига мувофиқ айборд деб топилдилар ва етарлича жазо билан «тақдирландилар».

Такси ҳайдовчиси Алексей Белов эса суд мажлисида жинонин гурӯҳ аъзоларини олдиндан танимаслигини, бу ишга бош қўшмаганинги айтиб, ўзини оппоқ курсатмоқчи бўлди. Лекин тўплланган далиллар ва қолаверса, судланувчиларни, жабрланувчига ва гувоҳларни курслатмалари ҳам унинг айбини ойдинлаштириди. Натижада киракаш ҳам хизматига яраса «дақ»ини олишга мұясир бўлди.


Раҳмон АЛИ.

ҳам фожиа юз берди. А. Рашид хонадонида икки бекорчи В. Захаров ва Г. Юнғизиллашиб қолдилар. Ҳали дастурхонда турган бўш шишадаги ароқ юни куришга ултурмасдан чиқсан жанжал оқибатида Захаров пичоқни Юнғ кўкрагига санчди.

Р. ЖУРАЕВ.

## БИРИНЧИ ҚАСАМЁД

(СУРАТЛИ РЕПОРТАЖ)



ССЖИ ИИВнинг ички қўшилган тантана бўлиб ўтди. Билимхонгина бошлиғи генерал-майор Ҳамон Шоғенов йигилган курсантларни муборакбод этди (1-сурат).

Оркестр садолари остида (2-сурат) билим юртнинг Байроғи саф бўйлаб олиб ўтилди (3-сурат).

Бежирим кийинган ҳарбий лар унга таъзим бўно келтирдилар (4-сурат).

(Давоми 2-, 4-бетларда).

## БИРИНЧИ ҚАСАМЁД



[Боши 1-бетда].

Курсантлар ҳарбий қасамёд қабул кила бошлайдилар. Улар Ватанни севишига, ҳарбий техникани мұхаммал ўрганишга, билемларини оширишига сүз берадилар (5-сурат). Азиз ота-оналари, ақа-опалари, севимли укажонлари, сингилжон-

лари улар шодлигини бағам күрши учун бу ерга ташриф буюрганлар (6-сурат). Нигохлар ҳаяжон билән ўз жигаргүшаларига боқады.

Билим юртига жумхуриятдан 185 курсант қабул қылindi. Қолғанлари эса иттифокимизнинг түрли бурчакларыда истиқомат ки-



(СУРАТЛИ РЕПОРТАЖ)

лувчи ёшлардир. Улар түрттүйлі мобайнида олий маълумотли алоқачи, иқтисодчи, мөлиячи, курувчи каби касбни згаллайдилар, кейин хизматни ўташ учун жумхурият ИИБ ҳамда иттифоқ ички күшинләри қарамогига юбориладилар.

Ҳарбий күй авжига чиқады (7-сурат). Курсантлар қасамёд-

га содик қолиш учун маҳсус ҳужжатларга құл күйишмоқда. Ким билади «дәйсиз уларнан» ҳәёлидан нималар ўтаятп (8-сурат)? Ҳарбий ҳаётга ўз умрларини бақыда этган ёшларнинг орзулари бекиес.

(Давоми 4-бетда).



## БИР НИХОЛКИ...

Жамиятимизда жиноятчиллик шиддат билан ўсиб бораётганды ҳақиқадаги шов-шувларға құлоқтарымыз анча-мұнча ўрганыб қолди. Лекин мен битта нарасаға ҳеч ҳам күнине олмаялман. Қалби чиркин, юзи қора, құлғын әгри кимсалар орасынға нағыншыл болалар қай тарника тушиб қолмоқдалар! Бунга ким айдорт? Нақотки, ҳали гәләмислик сары қадам құйыб үлгурмаган нозик вұжудларға біздан күра жиноятта мойна шахслар тәсіри күчлироқ бүлса!

Шу йил 25 март күні Яңғырғон тұмани ИИБ ходими А. Ҳасанов 1975 йылда түнгілган Умид Ҳайдаровны мұассасасында олиб келди. Ҳануздача бу боланин ота-онасы топты маляпты. Умиднің ўзы жаңа кесаплары шифохонасыда да воланында.

26 априль күні эса наманғанлық Т. Каримова чамасын беш-олти ёшлардаги бир болалының бізға топшырды. У гапиролмайды, шахсінин аниқлаб бўлмаяпти. Шу боис 26 болалар йўнда тарбияланмоқда.

Баъзи бир рўзномасеварларга оғир ботмасину ён-атроғимизда тирноқца зор онлалар қанчалы. Уларнинг ота-оналари эса ўз фарзандларидан воз кечишган кўринади. Бу қандай разолат, бу қандай ишшукурчилик!

Мұхаббат Ҳайдаровнининг ўши 19 да. Бир пайтлар Фарғона вилоятида ўз ота-онаси багрида баҳтиёр яшарди. Бора-бара отасыннан сурункали равишда спиртті ичимлик иштеймөл қилиб, кунда-кунора жанжал-сурон кўтариши жоннинг тегди. Ўйдан баш олиб чиқиб кетди. Оқибатда енгилойді.

Кишилар донрасига тушиб қолиб, қызыл иффатидан жудо бўлди.

Ҳозир унда одоб-ҳаёд деган тушунчалардан зарра нишона йўқ. Акс долда олиб кетиш учун келган 60 ёшли бобоснинг умидини чил-чил синдиримаган, устинга-устак уялти сўзлар билан ҳақорат қилимаган бўларди.

Содик Мусаев 1976 йилда Уйчи тумакида таваллуд топған. 16-мактабнинг саккозмичи синиф ўқувчиси. Ағсусли, уни түтүр йўлга солиши учун ота-онаси, мактаб ўқитувчилари билан олиб бораётган ишларнің самарасыз кетмоқда.

Поп туманиндан келтирилган Садоқат Ҳакимова 17 ўшда. Лекин гиёҳанды. Ота-онаси ажралишага, у шу йўлга кириб кетди.

Үйчи туманинин Моҳира Ази-

зовда ҳам шу иллат туфайли гулдек умрнин хезон қилимокда. Ҳозирда ҳеч қаерда ишламайди. Ота-онаси билан муроносат йўқ.

Ана энди қайд этилган мисолларга — адашган ва адашётган тақдирларга асосланниб, мулоҳаза юритсан бўлади.

Ҳеч ким ондан жиноятчи бўлиб тугилмайди. Айтайлик, умрниниң энг лаззатли фаслини ўтказиши керак бўлган юқоридаги болалар ҳам аслида бир нихолдай гап. Нихолни эса қайсы томонга ёгса, ўша томонга қараб ўсади. Демак, айб бөгбонда, йыны бизда — ота-оналар ва атрофдаги кишиларда экан. Бундан хулоса чиқарни керак.

Б. ТОЗИЕВ,

Наманған вилояти ИИБ қошидаги вояга етмаганларни қабул қилиш ва тарқатиш мүассасаси бошлиғи милиция катта лейтенанти.

РЎЗНОМАДА БОСИЛМАДИ, АММО...

## ИЖОБАТСИЗ ҚОЛМАДИ

«...Мен 1990 йили декабрь ойида мактабда ишлаб юрган пайтимда нархи 66 сўмлик этигимни ўғирлатиб юбордим. Дарҳол Қўқон шаҳар ички ишлар бўлимига ёзмаравиша мурожаат қилдим.

12-хонада Эргашев деган милиция ходими аризанин кабул қилиб олди ва: «Сиз кетаферинг, топилса, хабар қиласиз», — деди.

Яна шу йил март ойларда бориб учрашдим. Фойдаси бўлмади. Этигим тоцилишига кўзим етмай қолди. Шу сабаб рўзнома таҳриятига ёзди.

Қўқон шаҳридаги мактаб фарроши Кимёхон Абдураҳмонова мактубини текшириб, чора кўриш учун ўша шаҳар ИИБ бошлиғи милиция маъори Шукрулла Рўзматовга жўнатди.

Мана, у кишининг бизга ўйланаған жавоби:

«...Қўқон шаҳар ИИБ Сизлар юборган хат бўйича текшириш ўтказди.

Чиндан ҳам фуқаро Кимёхон Абдураҳмонова ўтган йил декабрь ойида нархи 66 сўм бўлган бир жуфт этигими номаълум шахс ўғирлаганлиги ҳақида ариза берган. Мазкур иш бўйича оператив-терор гуруҳи воқеа жойини кўздан кечириб, қидирив ишларни олиб борган. Лекин бу ҳаракатлар бирор натижага бермади.

Ҳозирги кунда бу иш яна қайтадан бошланди».

## АҚЛИЙ КЎРЛИК ОҚИБАТИ

Эҳ, бу ичклилик... Бир неча муддат ичиди яхшини йўлдан оздириб, ёмонни ваҳшыйгай айлантирадиган оғу! Уни ичган одам кўр, уни ичган одам кар! Ба яна энг даҳшатлиси — уни ичган одам нимани ихтиётиш, ўшани қиласаверади...

Бахтиёр Абдужалилов Тошкент тумани Кўктерак қишлоғининг Киров кўчасидаги 64-ўйда яшайди (кейин маълум бўлишича, пропискадан ҳам ўтмаган экан). Касби — новвой. Унинг ёрдамчи Родион Тянь нонни бозорга элтиб сотиб туради. Ҳали баюғат ёшига етмаган.

Бахтиёрнинг ҳаммаҳалласи кўпчилик қатори уни ҳам тўйга таклиф қилди. Бахтиёрга гўё қанот битди. Тўй оқшоми севимли ичимлигидан роса симиди. Шогирди ҳам «норасмий визит» билан тўйга ташриф буюрган экан, секингина устози ёнига чўқди. Бахтиёр унга дастурхоннинг «диққатга сазовор жойини» кўрсатди. Йигитчанинг кўзи ўйнади. Елкалашиб ичишиди. Очкўзликни эп билишиб, битта шишиши шим ичига яширишиди-да, тўйхонани тарк этишиди.

Шиши Бахтиёрнинг уйида очилди, жиноятнинг эшиги ҳам...

Киров кўчасидаги уйлардан бирининг эшигини узун темир билан очиб ичкари кириди. Йўл-йўлакай дуч келган эшикларнинг кулфи ҳам бузилди. Қўлларига илинган нарсаларни диван устига тахлай бошладилар. Телевизор, магнитофон, газмоллар, тақинчоқлар, туғли, ...аёллар ич кўйлаклари ва яна алланарсалар. Ҳаммасини чойшабга ўраб кўя қолишид. Ташкирга чиқишига, Бахтиёр: «Ҳозир чиқаман», — деганча яна ичкарига кириб кетди. «Ҳаммаси жойида, — деди Родион олдинга чиқиб, — Энди кетсан бўлади». Бир оздан сўнг шипшийдон хонадон қизил алангагушида гуриллаб ёна бошлади...

Орадан бирчак кун ўтиб, Бахтиёр Абдужалилов умрнинг ҳам 5 йили «ёниб кетди». Р. Тянь уч йилга «кесилди». Тошкент тумани халқ суди ана шундай ҳумк чиқарди.

Маҳкам Ҳакимов.



## ХАЗИНАБОННИНГ ЎЛИМИ

ЕХУД ПАЛАК ЕЗАЕТГАН ЖИНОЯТЧИЛИК ХУСУСИДА АИРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Ульяново шаҳридаги 16-йда яшовчи Албина билан Нина жуда алоқчап олиди. Айниқса, шундай таниши борлигидан Нинанинг боши осмонда. Тўғрида, таниши кимсан — 36-механизациялашган кўчма колонна (МКК)да кассир. Пичоги доимо майустида. Ўзига тикканнинг оғзи тегар, деб бежиз айтилмаган. Албина Нинани ўзи меҳнат қилаётган ташкилотга ишга ўтказиб қўйгач, уларнинг оғиз-бурун ўпишиши янада куюқлашиди.

Албина кўнгилхушликни суюрди. Уни тергайдиган эри бўлмагач, ўнаб-куладида. Ҳар куни айш-ишрат, тонг отгунча мижозлар билан ҳам пинчона, ҳам ошкора «учрашув»лар. Бундай учрашувларнинг лаззатидан Нина ҳам бебаҳра қолмасди. Бир майинни қирқ бўлиб ейдиган дугоналар «висол» онларидаги ҳузур-жаловатда ҳам ёнма-ён бўлишарди.

Кейинги пайтда Нина дугонасига бошқача қарайдиган бўлди. Унинг юрагида Албина нисбатан ҳасад уйғонган эди. «Гадонинг душмани гадо бўлади», — деб шунни айтса керакда. Тонга яқин борлиқда ажаб бир сукунат ва сокинлик чўқади. Тонг ўйқусининг занжир халқалари киприклари тарзи этгиси келмайди. Ҳамма ширин ўйкуда.

Ана шу сокинлик устма-уст жиринглаган телефон қўнғироғидан бир зум гангб қолгандек бўлди. Мамадиёр Бойзоқов дарҳол телефон дастасини кўтарди.

— Ўртоқ бошлиқ, мен ички ишлар бўлимининг навбатчисиман. Шахардаги Дўстлик кўчаси, 16-йда ёнгин бўлалини!

— Ҳозир етиб бораман.

Мамадиёр воқеа содир бўлган жойга етиб келганди, ўт ўчирувчилар иш устидаги эди. Тўрт қавати 16-йининг 10-хонасидаги ёнгина бартараф этилди. Ўзига ёнгиси Албина Холденко ва унинг дугонаси Нина Смирнова номаълум шахслар томонидан пичоқлаб ўлдирилган.

Дастлабки қидирив ишлари бошланди. 25-хонада яшовчи Н. Смирнова нинг ўғли Алексей Позикаев ҳам номаълум шахслар томонидан ўлдириб кетилганини аниқланди.

Марҳума А. Холденко 36-МККда кассир бўлиб ишлами аён бўлгач, қидирив гуруҳи эрта билан дарҳол «Галаба» давлат хўжалиги ҳудудида жойлашган унинг ишхонасига йўл олди. Номаълум шахслар курувчиларнинг темир қутидаги сақланадаётган 43 минг сўмлик маошини ўмарид кетишган эди.

Фожия ниҳоятда сирли равища амалга оширилганини сезилиб турарди. Жиноятни очиш учун Жиззах вилояти ички ишлар бошқармаси ва прокуратураси, Зомин тумани ички ишлар бўлими ва прокуратураси ҳамкорлигига шошилини тергов-қидирив гуруҳи тузилди. Унга вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари Г. Гайрян бошлиник қилди.

Хукуқ-тартибот пособнларининг этолоқлиги, тергов ишларини ўта эҳтиёткорлик билан олиб боришилари натижасида 18 кун деганда жиноятнинг дастлабки аломати аниқланди. Жиззахда яшовчи Т. ва Ч. айланувчи сифатида қўлга олинилар.

— Тунги қотиллик олдиндан пухта ўйланган ва ўта эҳтиёткорлик билан амалга оширилган, — дейди Зомин тумани ички ишлар бўлими бошлиғи ўринбосари М. Бойзоқов. — Дастлаб Албина номаълум шахсларга эшикни очмаган. Шундан сўнг тунги «мемонлар» Нина ёрдамида ўзига киришга мувафақ бўлишган. Тергов-натаражалари шунни кўрсатмоқдаки, Холденконинг жонига қасд килиш ва хазинадан давлат пулини



ўмариш режаси Н. Смирновадан чиққан. Нина холис таклифи эвазига қотиллар ўз улушкини ташлаб кетади, деб хаёл қилган бўлса, ажаб эмас.

Бироқ қотиллар изқуварларни чалгитиш ва гувоҳларни йўқотиши мақсади олдин Нинани, сўнгра ўғли Алексейни ҳам ўлдиришган.

Биз ушбу хонага келиб-кетувчиларнинг таҳминий рўйхатини излай бошладик. Уларнинг кўринишлари ва бошқа белгилари ҳақида маълумотлар тўпладик. Натижада айланувчи сифатида юқорида номлари зикр этилган шахслар ушланди. Ўмарилган пулларнинг бир қисми қайтарилиди.

Қотиллар кетиши чоғида девордаги гиламга ўт қўйишган. Марҳумларнинг жасади қисман куйган. Айланувчилар дастлабки тергов чоғидаги қотиллик қандай содир этилганлигини айтиб беришиди.

Номаълум кимсалар Албинанинг ҳужжатлари ва бошқа керакли қозулари бўлгаси сумкачани, стол устидаги ароқ шишаларини йигишириб кетишган. Улар хазинанинг калитини олиб, сумка ва бошқа нарсаларни қамиш орасига улоқтиришган.

Ҳужжатларни топиш учун кенг майдондаги қамишзорни бир неча кун ўришга тўғри келди. Марҳумларга ўрилган пичоқ эса Жиззахдаги каналлардан бирига ташланганлиги маълум бўлди. Канал суви тўхатилиб, пичоқ ҳам ашёвий далил сифатида олниди.

Ушбу воқеа тафсилоти билан танишгача, ўз-ўзидан фожианинг олдини олса бўлармиди, деган савол туғилади.

Фожия содир бўлмаслиги мумкин эди. Фақат атрофдагиларнинг бефарқлиги ва бепарволиги шунга олиб келди.

Албинанинг шахси ҳақида иккиси сўз. А. Холденконинг эри йўқ, уйда ёлғиз яшаган. Мунтазам равишда спиртли ичимлик истеъмол қилган. Емон йўлга кирган. Ўз вазифасига мутлақо маъсулиятсизлик билан қараган. Ҳатто ишчиларнинг маошини уйда тарқатишгача бориб етган. Нотаниш кимсаларга кассадаги пулдан қарз бериб тобораверган. Фожия содир бўлган куни ҳам қонунга хилфу равища хазинада катта миқдорда пул сақланган.

36-МКК раҳбарлари газначи-кассир А. Холденконинг бу ишларидан беҳабар эди, дейиш қийин. Ҳаммасини кўриб-билиб туришган. Лекин одам-

ноят қидирив бўлими ходимлари А. Нуруллаев, Н. Холбеков катта ташкилотчилик кўрсатдилар. Уларга Зомин тумани ички ишлар бўлими бошлиги ўринбосари милиция майори М. Бойзоқов, жиноят қидирив бўлинмаси катта оператив вакили М. Маматқулов, участка вакили Х. Холбеков ва бошқалар яқиндан кўмак бердилар.

Тергов-қидирив ишлари давом этмоқда. Тунги қотиллик тафсилоти батафсил очилиши шубҳасиз. Лекин ҳақида савол туғилади: бу шунчаки одатий фожиалардан бирими? Йўқ. Бу маънавий дунёси бузилган, одобахлоқ билан ҳисоблашиши унугтан шахслар фожиасидир. Зотан: «Саёқ юрсанг, таёқ ейсан», — деб бекор айтилмаган.

Мақолага шу ерда нуқта қўйиш мумкин эди. Бироқ кейнинг пайтда турли хил кўринишдаги қотилликларнинг кўпайиши одамни ўйга толдиради. Бу навбатдаги ношукурчиликнинг бирими? Мавжуд қонунларнинг жиноят олдини олишдаги оқизлигими?

Қаерда, қандай ҳолатда содир бўлишидан қатъий назар, қотилларга нисбатан қаттиқ ва узил-кесил чора қўллаш зарур. Шунда унга қўл ураётган ҳар бир кимса жазонинг шафкатизлигидан чўйииди.

Агар биз баҳона излайдиган бўлсак, ҳар қандай жиноятчани оқлаш учун истаганча сабаб топишмиз мумкин. Қотиллик содир этилгач, тергов ишларининг чўзиги юборилиши ҳам айланувчингин манфаатини кўзлади. Натижада вақт ўтиши билан жиноятчи, ҳатто қотилнинг ҳам айбоди «стасодифан», «соглиги ёмонлиги», «руҳий ҳолати жойида эмаслиги» каби сабаблар билан хаспўшланыш мумкин. Пичоқ уриб кимнингдир умрига зомин бўлган қотилга енгил жазо берилиши ақла сифмайди. Қотиллик содир этилдими, демак, кимдир ҳаётдан кўз юмди. Тирик инсон умрига нуқта қўйганларга жазо ягона ва қатъий бўлиши шарт. Шунда: «Хўжатъий, шиоютга ўрин йўқ», — деган ақида ўз аксини топади. Вахшийлар ўзига берилажак жазони енгиллатиш учун кассасидаги жарақ-жарақ пул ҳам, таниш-билиши ю, тирговчи ҳам сариқчақага арзимаслигига ишонч ҳосил қиласди.

Ҳозир-чи? Кузатишлар қотилликлар олдин ҳам шу иш билан шуғулланган кимсалар томонидан содир тасдиётгандигини тасдиқламоқда. Умуман, қотилларнинг бошини силаш ва уларга енгиллик бериш қўйнимизда илон сақлаш билан баравар эмасми?

Бугунги кунда бегуноҳ кишиларнинг ваҳшийлар қўлида жон беришини қонунларимизнинг ноҷорлигига қарши исён деб тушунмоқ керак.

Ҳеч ким она қорнидан қотил бўлиб туғилмайди. Бунга ижтимоий мұхит ишборд. Биз эса жиноятчиларни қарши кураш етариғи эмаслигидан нолиймиз. Бугун бизда жиноятчиларни топилади. Жиноятчилар миқдори ёмғирдан кейин бодраб чиқсан кўзицоринде кўпаймоқда. Унга қарши кураш бизнинг тузумимиз учун исондми ёки фарҳ? Хато ва камчиликлар жабрини торта-торта кўзимиз пишиди. Серташиб ҳаётда юрак ютиб яшайвериш жонга тегди. Ҳеч бўлмас, келгуси авлод тинч-хотиржам, хавф-хатарсиз яшаши керак. Бу истакларимиз эса қонун билан химоя қилиниши шарт.

Эҳром ЗИЕ, Илҳом ТОҒА.



# БИРИНЧИ ҚАСАМЁД



[Давоми. Боши 1-2-бетларда].  
Жумхурият Президентлик  
Кенгаши ҳузурдаги ҳарбий  
бўлим бошлиги ҳуқуқшунослик  
фанлари доктори Баҳодир Қо-  
симов курсантларга муваффа-

фақиятлар тилади (9-сурат).  
Чехрасидан бол томиб тур-  
ган онахонлар, қалби гу-  
рурга тўла ўғлонлар севинчи  
чексиз (10-сурат).  
Қатордаги маъно тўла кўз-



## (СУРАТЛИ РЕПОРТАЖ)

лар уммонига фарқ бўлар  
экансиз, келажагимиз заковат-  
ли, ақлли ёшлар кўлида экан-  
лигига шубҳа қолмайди (11-  
сурат).

Ҳароратли қалблар уларга  
мададкор бўлаётгандай тую-

лади (12-сурат).

Курсантлар номидан Алексей  
Харук сўзга чишиб, она-Ватан-  
нинг муносиб ўғиллари бўла-  
жакликларини билдири.

Суратли репортаж мували-  
фи Ҳабибулла ШОДИЕВ.



# ҚАЧОНГАЧА ФОҲИШАЛАРНИ ЗЪЗОЗЛАЙМИЗ?!

«ҚАСИСИ БИР ХАЛҚНИНГ ИЧИДА ЖИНОЯТ ВА  
ГУНОҲ ИШ ҚИЛУВЧИЛАРДАН КЎРА ҚИЛМАИДИ-  
ГАНЛАР КУП ВА КУЧЛИ БЎЛАТУРИБ, УЛАРНИ ТИ-  
ИИБ ҚУЙМАСАЛАР, ТАНГРИНИНГ ОФАТИ ҲАММА-  
ЛАРИГА БАРОБАР БЎЛАДИ».

«ҲАДИС» И ШАРИФДАН.

СПИД хасталиги XX аср  
вабоси, деб эътироф этил-  
моқда. Бу дарди бедаво Уз-  
бекистонимизга ҳам етиб  
келган. Буниг қаердан кел-  
ганлиги, урчиш сабабларини  
изоҳлаб, ҳаммага маълум гап-  
ларни қайтариб ўтирасак-  
да, қасаллик марзларини  
ташиётган фоҳишалар ҳақи-  
да фикр юритсан.

Очиқ тан олиб айтишимиз  
зарур. Фоҳишаларнинг кў-  
пайишда, СПИД балосига  
йўлиқкан кишиларнинг ор-  
тишида қонуларимизнинг  
ҳам катта хизмати бор. Ма-  
салан, ЖМнинг бир неча  
моддасида «...номусига тек-  
қанлиги учун», «...номусига  
тажовуз қўлганилиги учун»  
каби жумлаларин учратиш  
мумкин. Бирон «уз қонусига  
иҳтиёрий тавсия қўлганлиги» ёки «баданини пул-  
лаган учун» деган қайдлар  
курсатилмаган. Бу ҳам, май-  
лия, никоҳсиз, қонуний  
қайдсиз фарзанд кўрган аёл-  
лар ёлгиз она сифатида ҳо-  
нуни йўли билан ҳимояланади-  
лар, қатор имтиёзларга  
загидирлар. Шу нарса янга  
ўзине фоҳишаларга, фоҳи-  
шалик учун «оқ йўл» тилаб  
турибди.

Айрим кишилар: «Ҳаммаёқ-  
ни фоҳишалар босиб кетмо-  
да, милиция эса индамайди»,  
— деб нолиб қолишиади.

улар бештадан ўнта әркак-  
ка «хизмат» кўрсатишади.  
Келган йигитларнинг ёшлари  
21-27 да.

Ички ишлар бўлимига  
келтирилаётган фоҳишалар-  
нинг аксарият қисми бошقا  
жумҳуриятлардан қадам ра-  
нжида қилинади. Улардан  
келиш сабаблари сўралса,  
барчаси бир хил:  
«Оснелик йигитлар жуда  
ҳимматли, пулни аяшмайди»,  
— деб жавоб қайтаришади.  
Бу, афсуски, ҳақиқат.

Жойларда ташкил қилин-  
ган видеобарлар ёшлар он-  
гини заҳарлаб, уларнинг ҳа-  
ром йўлга қадам босишлари-  
га сабаб бўлимоқда. 1990 йил-  
да қарийб 20 та фоҳиша  
никоҳ ёшига етмаганинги  
анилланди.

Мехмонхоналар, қўналга-

лар, шоҳбекатлар ҳозирги  
кунда фоҳишалар билан гав-  
жум. Бундан ташкилар улар  
қатори «бадан бизнесчи»-  
лари-қўшмачиларни ҳам уч-  
ратиш мумкин. Авваллари  
фаҳш ишлар маълум хона-  
донларда амалга оширилган.  
Ҳозирда сауна, гараж, йўл  
четларида, хиёбонларда ҳам  
учратасиз. Қўшмачилар билан  
эса тупса-тузук кишилар  
ҳам шугулланишмоқда, тўр-  
ни бу бироз оғир «қасб».

Негаки ЖМнинг 219-модда-  
сига кўра фоҳишаҳона таш-  
килотчиси сифатида жинонӣ  
жавобгарликка тортилиши  
мумкин.

Хулоса қилиб айтганда,  
зиг биринчи гўлда қонула-  
римизни такомиллаштириш  
вақти етди. Фоҳишаларга,  
қўшмачиларга жазо шарт-

ларни шафқатсиз қилиб  
белгилаш шарт.

Ўзингиз ўйланг. Таносил  
қасаллигига дучор бўлган  
беморларни даволаш учун  
давлатнинг қанчадан-қанча  
маблари сарф бўлади. Агар  
уларга иисбатан жазо чора-  
ларни қўлласак, туроргимиз-  
дан оёқлари тортилиши аниқ.  
Мен ҳуқуқ-тартибот раҳ-  
барлари, қонушишоaslар ва  
халқ депутатларимизга жу-  
рожаат қилмоқчиман.

Фоҳишалар қонуи йўли  
билан жазога тортилсинлар  
ва:

1. Или марта қўлга туш-  
ган фоҳиша камидан 5 йилга  
озодликдан маҳрум қилиш  
ёки 10.000 сўм миқдорида  
жарима солиш билан жазо-  
ланиси.

2. Иккинчи марта қўлга  
тушган фоҳиша камидан 10  
йилга озодликдан маҳрум  
қилиниси.

3. Елгиз оналик ҳуқуқла-  
ридан маҳрум қилиниси.

Ушбу таклиф юасидан  
нафақат муштариyllар, балки  
мутасадди ташкилотлар —  
ички ишлар, алдия вазирлик-  
лари, прокуратура ходимла-  
ри, жумҳурият Олий Кенга-  
шининг ҳуқуқий масалалар  
қўмитасидаги халқ ионоблари  
ўз муносабатларини баён  
қилсалар.

Фоҳишалик, қўшмачиллик  
жамиятимизда кундан-кунга  
авж олаётган иллатdir. Биз-  
лар эса шуни кўра-била ту-  
риб негадир муросасозлик  
йўлини тутгалиш. Қачонгча  
уларни зъзозлаймиз!?

Дилмурод САИДОВ,  
журналист.

Кўр кўрни қоронғуда топа-  
ди, деганлар. Бироқ Мир-  
затилла илгари судланган  
Зоирни куппа-кундуз куни  
учратди. Тақдир уларнинг  
йўлларини қамоқхонага бел-  
гилаган экан. Биринчи қил-  
ган ишлари фуқаро В. Плуж-  
никовни очинтириш бўлди.

Камбағаллиги учун кал-  
так билан яхшигина сийлан-  
ган Вася бир ойча қасал-  
хонада ётиб чиқди.

Шоввозларнинг навбатда-  
ги қурбони В. Сиродоеv ҳам  
қуруқ экан. Шундоқ ба-  
савлат одамнинг чўнгагидаги  
10 сўмгина пули бўлса-я.  
Лекин йигитчаларнинг бир  
неча юз сўмга татигулик кал-  
таклаши оқибатида у ҳам  
анча вақт ётиб, даволаниш-  
га мажбур бўлди.

## ПУЛИНГ БЎЛМАСА...

Аммо муштумзўларнинг  
йўлтўсарлиги узоқи бормади.  
Жабрыйдаларнинг ёрда-  
ми туфайли уларнинг сурат-  
лари участка инспекторла-  
рига кўрсатилди.

Бўйтонлиқ тумани ИИБ  
ходимлари томонидан Зоир-  
нинг уйи текширилганда 6,1  
грамм наркотик модда топил-  
ди. Аммо 16 ёшга тўлма-  
гани эътиборга олинниб,  
ЖМнинг 10-моддасига кўра  
жинонӣ иш қўзатилмади.

Зоир орқали ҳамтовори  
Мирзатилла чишиш қийин  
бўлмади. Тергов вақтида  
Мирзатилланинг яна бир  
қабиҳ жинонӣ фош этилди.

Ўтган йили вояга етмаган  
қизнинг номусига тегиб, қо-  
чиб юрган экан. Жазосиз  
қолган жинонӣнинг бу қадар  
тез урчиши ҳеч кимга сир  
эмас. Шунинг учун ҳар бир  
қонунбузарликнинг илди-  
зига ўз вақтида болта уриш  
керак.

Ҳусан ИКРОМОВ,  
милиция катта лейтенанти.

## ФУТБОЛ

# ҲАЛИ ИШОНЧ БОР

14 сентябрда футбол бўйи-  
ча ССЖИ биринчилитининг  
олий лигасида навбатдаги  
тур учрашувлари бўлиб  
утди. Умид ипларини ҳали  
батамом узмаган мухлислар  
шу куни «Пахтакор»-«Ара-  
рат» учрашувининг гуводи  
бўлдилар.

«Навбаҳор»дан «Пахта-  
кор»га қайтиб келган О.  
Синелобов, тўпурар И.  
Шкивирин ва А. Пятницкий-  
ларнинг рақиб дарвазалари-  
га киритган тўплари мезбон-  
ларга мұхим ғалаба (3:1)  
келтириди.

Чўкаётган одам хасга ёпи-  
шади, деганларидек жамоа-  
миз биринчилитининг қуйи  
погонасида «нари-бери» бо-  
риб келаётган бир пайтда  
бу ғалаба яна мухлисларда  
ионоч туйгусини уйғотди.  
Демак, «Пахтакор» ҳали  
ўйн услубини йўқотмаган,  
кучиллар сафида қолиш  
учун унинг имконияти бор.  
Жамоанинг ашаддий ишқи-  
бозлари эса навбатдаги уч-  
рашувларни ҳам кўтаринки  
руҳда ўтказиши учун «Пах-  
такор»га фақат омад тилаша-  
ди. Ва албатта, ундан яхши  
ўйинлар кутишади.

3. СОДИҚҲУЖАЕВ.